



Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Анас розияллоҳу анҳу ривоят киладилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат килдилар: “Сизлардан бирортангиз, токи, мен унга отасидан, фарзандидан ва барча инсонлардан кўра севиклирок бўлмагунимча иймони комил бўлмайди”. (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Бу хадис бир неча фойдаларни ўз ичига олади. Куйида уларни батафсил кўриб чикамиз:

### Биринчи фойда: Пайгамбарга мухабbatат кўйиш шарт

Ушбу хадиснинг мазмуни пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга мухабbatнинг шартлигини кўрсатади. Бу мухабbat шундок бўлмоги лозимки, токи, бизнинг калбларимиз хеч кимни унданда кучлирок севмасин, гарчи улар бизга энг якин инсонлар – фарзандларимизу отоналаримиз бўлса хам. Бундан хам кўра, биз Аллоҳнинг элчисини ўзимиздан хам ортиқ яхши кўришимиз керак. Бу хакда “Сахихул Бухорий”да келтирилган ушбу хадисда шундай баён этилади: “**Бир куни Умар ибни Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга карата: “Ё Расулуллоҳ, мен сизни ўзимдан ўзга, барча нарсадан ортикрок яхши кўраман!”** дедилар. Пайгамбарамиз унга жавобан: “**Жоним кўлида бўлган Зотга касамки, сиз мени ўзингиздан хам кўпрок яхши кўришингиз керак**” – дедилар. Шундай дейишиларига Умар розияллоҳу анҳу: «**Хакикатан хам, хозир мен сизни ўзимдан хам ортиқ яхши кўриб колдим!**» деганларида, Расулуллоҳ: “**Эй Умар, мана энди тўгри бўлди!**” дедилар.



Шундай килиб, агар пайгамбар алайхиссаломга бўлган мухабbat, кишида хали у даражага чикмаган экан, демак, унинг иймони хали тўла-тўкис иймон шартларига жавоб бермайди ва у инсон хали иймоннинг хакикий лаззатини тотиб кўрмабди. Бухорий ва Муслим ривоят килган хадисда Анас розияллоҳу анху ривоят киладиларки, Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам: **“Уч хусусиятга эга бўлган кишигина, хакикий иймон лаззатини тотибди...”** деб, шулардан бирини Аллоҳ ва расулини бошка хамма нарсадан каттирок севган кишини келтирғанлар.

### Иккинчи фойда: Нима учун айнан шундай мухабbat лозим?

Пайгамбарга бўлган бу каби мухабbatни, факат, динига жиддий эътибор килган инсонгина хис эта олади. Бунинг окибатида, унинг асосий гами – яратилиш хикмати учун бўлади, бошқача айтганда, унинг асосий гами Улуг ва Олий зот Аллоҳга куллик килиш бўлиб, бу инсон фоний дунё ва унинг зеб-зийнатларидан кўра, абадий хаётни афзал санай олади.

Энди, пайгамбарни яхши кўришга ундейдиган мухим омилга келсак, бунинг замирида, айнан у зот оркали биз Хак динга йўлланганимизни ва Ўз пайгамбарини жўнатиш билан Аллоҳ таоло бизни жаханнамдан куткаргинини ва унга эргашибина бу бокий хаётда мувафаккият ва нажотга эришиш мумкинлиги ётганлигини англаб етиш лозим бўлади. Энди, илм сохиблари, такводор зотлар ва Ислом даъватини таркатиш билан машгул бўлган кишилар хакида гапирадиган бўлсак, улар энг аввало, Аллоҳнинг элчисига эргашганликлари ва у зот инсонларга келтирған нурни бир бўлагини кабул килганликлари сабабли севилишга лойикдирлар. Кариндошлар, ахлу-аёл, фарзандларга бўлган севигига келсак, бу асли дунёвий севги бўлиб, у ўзаро хуш кўриш,



ёктириш ёки моддий манфаатлардан келиб чиккан бўлади ва дунё тугаб,

**“...киши ўз ога-инисидан хам, онаси ва отасидан хам, хотини-ю, бола-чакасидан хам кочадиган....”** Кун келиши билан ўз интихосига етади.

Шу йўсинда, агар инсон калбининг кўпроқ ўрнини аёлларга, болаларга, олтин-кумуш жамгариш каби дунёвий неъматларга бўлган мухабbat эгаллаган бўларкан, у холда, инсон ушбу нарсаларга эришиш йўлидаги жамики нарсаларни яхши кўра бошлайди. Калбдаги бу севги энди, дин ахлига ва уларни етакчиси бўлган, пайгамбарлар саййиди бўлмиш- Мухаммад алайхиссаломга бўлган севги билан ракобатлаша бошлайди.

### Учинчи фойда: **Мухаббатнинг аломатлари**

Пайгамбарга бўлган мухаббатнинг кўриниши ўткинчи хистуйгулардан холи бўлиши, самимий бўлиши ва мўминнинг калбидан шу кадар чукур жой олиши лозимки, токи, у мухаббат уни хеч качон тарқ этмасин. Айнан мана шу севги инсон калбига хаёт баҳш этади, уни эзгу амаллар килишга ундейди ва уни разолат ва гунохлардан тўхтатиб туради. Бу мухаббатни ўзига хос аломатлари бўлиб, бу аломатлар оркали самимий киши билан ёлгон даъволар килувчи, каззоб кишининг ажратиб олиш мумкин.

Ушбу аломатларнинг бир нечасини зикр киламиз:

1- Пайгамбар буюрган нарсага эргашиш ва кайтарган нарсадан кайтиш оркали, у зотга бўлган тўлик итоатни изхор этиш.



Самимий ва холис киши сирасига шундай инсонни киритиш мумкинки, бирон ишни, агар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам уни бажаришни амр этгандарини билиши биланок, дарров уни бажаришга шошилган, ўша буйрук гарчи, у одатланган бирон одатга ёки нафсу-хочишига карама-карши бўлса хам, уни бажаришдан заррача бўйин товламаган инсондир. Бу инсон бундай ўринда олдин хотинига, фарзандларига, ота-онасиға ёки урф бўлган одатларга итоат этиш керак, кейин эса пайгамбарга итоат этиш керак деб хисобламайди. Чунки, у юкорида саналган барча нарсалардан муқаддам пайгамбарни кўпроқ севади ва албатта, севувчи ўз севиклисига итоатли бўлади. Калби яхши кўрган кишисиға, яъни, расулуллоҳга, у зот амалга оширишни амр этган ишлардан бўйин товлашлик ва нахий этган ишларнинг окибатидан кўркмасдан килаверишлик билан хилоф бўлган, хамда, бу ишларини фактат ўз кўнгил хошишларигагина караб бажарган инсон, кўриниб турибдики, пайгамбардан кўра кўпроқ ўзини яхши кўрадиган инсондир.

Пайгамбарамиз беш вакт намозга канчалик эътибор берган ва хаётларини охирги лахзаларида хам ўз якинларини ва мусулмон умматини намозга каттиқ риоя этишга васият этиб кетган бўлишларига карамай, баъзи кишиларни хатто, шу беш вактлик фарз намозларни хам тўхтатиб кўйишаётганини ва уни адо этишмаётганини кўрасиз. Яна шундайлари учрайдики, улар пайгамбарнинг каттиқ нафратига дучор бўладиган амаллар-ичкиликбозлик, зино, судхўрлик каби оғир гуноҳларни бемалол килиб юришади. Уларнинг орасида яна шундайлари хам борки, уларни расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам вафотларидан сўнг пайдо килинган, агар хаёт бўлганлариди, шубҳасиз, у зот тарафидан рад этилиши мукаарар бўлган, янги пайдо килинган, хурофий, бидъат амалларга каттиқ туриб, берилиб риоя этаётган кишилар сифатида топасиз. Лекин, шунга карамасдан, бу



кишиларни бошкалардан хам кўпроқ пайгамбарни яхши кўришларини даъво килаётганларига хам гувоҳ бўласиз. Нима бўлганда хам, Аллоҳ барча нарсани кўриб турибди.

2- Пайгамбарга ёрдам ва кўмак бериш, у кишига нисбатан хурмат ва эҳтиром кўрсатиш пайгамбарга бўлган севгини ифодасидир. У зотнинг вафотларидан сўнг эса мўминлар килишлари мумкин нарса, бу-Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг Суннатларига хурмат ва эҳтиромда бўлиш, Суннатни маҳкам туриб химоя килиш билан бўлади ва барча кийинчилигу машаккатларга чидам ва событлик билан, уни инсонлар ичida таркatiш, уларни ушбу пайгамбар Суннатларига амал килишга чакиришдан иборат бўлади.

3- Аллохнинг расулига бўлган мусулмоннинг мухаббатини яна бир кўриниши- у расууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам буюрган ёки кайтарган нарсаларни тўла ишонч билан тан олади ва шундай деб хисоблайди, пайгамбар карор килган ишлар борасида хеч кандай огирилик, хараж сезмайди ва суннатга тааллукли барча нарсаларни малолланмасдан, кийин санамасдан бажаради.

Энди пайгамбардан бошка кишилар хакида гапирадиган бўлсак, яъни, уламолар, солих даъватчилар - булар пайгамбарга эргашувчи кишилардан ўзга эмаслар. Шунинг учун хам, пайгамбарни хакикий севувчи инсон уларнинг хар кайсидан факат пайгамбар келтирган нарсанигина кабул килади. Чунки, тўлик равишда пайгамбарга эргашибгина мўминни жаннатга элтади. Бу хакда Аллоҳ таоло шундай марҳамат килади: **“Агар унга бўйинсунсангиз хидоят топурсизлар”** (Нур, 54). Пайгамбардан бошка кишилар эса, тўгри бўлишлари хам мумкин, хато килишлари хам мумкин.



4- Расулуллоҳ саллаллоҳу алаиҳи ва саллам намозни кандай адo этганлар, канака тахорат олганлар, кандай ётганлар, кандай таомланганлар, буларни барида у зотдан ўрнак олишга интилиш, шу билан бирга, Расули акрамдаги беозорлик, тавозеъ, сахийлик, сабрлилик, каноат каби ахлокий сифатларидан ибрат олишга харакат килиш хам, Пайгамбарга бўлган чин мухаббатнинг аломатлариданdir.

5- Пайгамбар алаиҳиссаломга кўп-кўп салавотлар айтиш, у зотни кўп ёд килиш, эслаш хам мўмин кишининг расулуллоҳга бўлган севгиси аломатлариданdir.

Бу хакда пайгамбар шундай марҳамат килганлар: **“Кимки менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ таоло буни эвазига у инсонга ўнта салавот (ажр) битади”**. (Муслим ривояти)

Бу аломатлар сирасига, пайгамбар саллаллоҳу алаиҳи ва саллам билан учрашишни хоҳлаш ва унга интиқ бўлиш ва бунга эришиш учун керак бўлса, барча нарсаларни фидо килишликка рози бўлиш хам киради.

6- Пайгамбарга мухаббат аломатларидан яна бири, у зот яхши кўрган инсонларни яхши кўришликdir.

Бунга масалан, Абу Бакр Сиддик разияллоҳу анху Умар разияллоҳу анху ва Оиша розияллоҳу анхоларни яхши кўриш, хурматлаш киради. Ва сахих хадисларда ворид бўлган, Пайгамбарга севикли бўлган кишиларни хам келтириш мумкин. Шундай килиб, биз пайгамбар ёқтирган зотларга нисбатан калбимиизда иликлиқ ва хурмат туйишимиз ва у зот ёқтиргмаган тоифаларни эса ёмон кўришимиз керак. Яна, у зотга мухаббатимизнинг ифодаси ўларок, пайгамбар ёқтирган сўзлар, феъллар, амалларни хам ёқтиришимиз, яхши



кўришимиз максадга мувофикдир. Анас розияллоҳу анху ривоят килган хадисда, бир куни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам тикувчилик киладиган, бир вактлар ўзлари озод килган бир кулларининг олдига келгандарида, собик куллари Расулуллоҳни ошковок билан меҳмон килади. Анас розияллоҳу анху айтадиларки: **“Пайғамбаримизни ошковок еяётганларини кўрганимдан бери, мен ҳам ошковокни яхши кўриб колдим”**. (Бухорий ривояти)

Тўртинчи фойда: **Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан мухабbatни вужудга келишига имконият яратувчи сабаблар нимада?**

Пайғамбарга нисбатан мухабbatни вужудга келишига имконият тугдирадиган ва калбда бу севгини ортишишига сабаб бўладиган нарсалар куйидагилар бўлиб, буларни хосил килишга хар бир мусулмон интилиши керак:

— Инсонларнинг калблари шундай яратилганки, унда ўзига нисбатан яхшилик килганни, муруват кўрсатганини яхши кўриш хусусияти бор. Шундан келиб чикиб, биз шуни англайликки, пайғамбар бизга отаонамиздан ҳам кўпроқ яхшилик кўрсатдилар, у ҳам бўлса, Аллоҳнинг изни или бизни зулматдан нурга олиб чикдилар, бизга фойдали ва хайрли насиҳатларни килдилар, бизга дину-диёнатни танитдилар ҳамда зулмнинг барча турларидан бизни огоҳ этдилар. Яна шу нарсани нечоглик тушунишимиз керакки, агар, Аллоҳ марҳамат кўрсатиб, ушбу пайғамбарни юборишлиқ билан бизга муруват килмаганда эди, хаммамиз жаҳолат боткогига ботган кўйимиз, эртага, наузибиллаҳ, жаҳаннамга ўтин бўлишимиз турган гап эди. Аллоҳ таоло пайғамбаримизга бизнинг номимиздан энг яхши салавотлар ва



саломларни етказсин!

— Пайгамбар алайхиссаломни хаёт йўллари, сийратлари, у зотнинг жиходлари, сабру бардошлари, Исломнинг олий бўлиши йўлида берган курбонлари, чеккан жафолари, дин йўлидаги фидокорликлари хакида тафаккур килмогимиз керак. Ул зотнинг тавхидни етказиш ва ширкни йўқотиш майдонидаги меҳнатлари, хар кандай бошка бир инсоннинг меҳнатидан кўра юкори, олий туриши бу - айни хакикатдир.

— Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва салламдаги мўминларга нисбатан тавозе ва хушмуомалалари, мунофик ва кофирларга нисбатан катиккўл ва катъиятликлари, алоҳида ажралиб турувчи жасоратлари, сахийликлари, раҳмдилликлари ва бошка кўплаб юксак ахлокий сифатлари хакида хам фикр юритиш ва ўrnак олиш лозим. Мехрибон Аллоҳ хам пайгамбаримизни юксак ахлок эгаси эканликларига гувоҳлик бериб, шундай дейди: **“Албатта сиз улуг Хулк устиладирсиз”** (Калам, 4).

— Яна бу ўринда пайгамбаримиз Аллоҳ таолонинг наздида кандай мавкега эга эканликларини билишимиз, у киши, аввалийну охирний пайгамбарлар ичida энг яхшиси ва пайгамбарларнинг энг охиргиси эканликларини ёдда тутмогимиз керак. Шу билан бирга, Киёмат кунидаги у зотга бериладиган, у билан Аллоҳ бошка пайгамбарлардан афзал килгани, умматларини шафоат килиш хукуки, у кишини **“макомул маҳмуд”** (макталган ўрин)га сазовор бўлишлари, Киёмат куни, остида Одам алайхиссаломдан тортиб, барча у кишига эргашган инсонлар жамланадиган **“ливаул ҳамд”** (ҳамд байроби)ни кўлларида тутишлари ва жаннат эшигини биринчи бўлиб очувчи инсон эканликлари хамда бундан бошка, сахих хабарларда келган



кўплаб фазилатлар сохиби эканликларини билишимиз фойдалидир.

**Мутаржимдан**

Аллоҳ таоло бизни ҳам Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг содик умматларидан килиши ва у зотга бўлган чин севги ила баҳраманд этишини илтижо килганимиз холида, сўзимизни саййидимиз таълим берган бир дуо билан якунламокни хоҳладим: «Аллоҳумма инна нас’алука хуббак ва хубба ман юхиббуқ ва хубба амалин юкоррибуна ила хуббик» **“Аллоҳим, биз Сендан сени севмокни, Сени севганларни севмокни, Сени севгингга якинлаштирадиган амалларни биз учун севимли килмогингни сўраймиз!”**.

Муаллиф: доктор Абдулазиз Мажид

Мутаржим: Вадуд Аҳмад

1423 йил, сафар ойининг 26 куни.  
(2003 йил 28-апрел)